## САРҲИСОБ

***«Ёшлар ҳаётининг барча жабҳаларида»... «Камолот» жамғармаси фаолияти ҳақида гап кетганда кўпинча ана шу жумла такрорланади. Бунинг замирида катта маъно ва улкан саъй-ҳаракатлар ётади. Чунки ёшлик — инсоннинг атрофдаги ҳамма-ҳамма нарсаларга қизиқувчанлиги ниҳоятда ошган, ҳар бир ишга зўр ҳафсала билан киришадиган даври ҳисобланади. Ёшликни бежиз «умр баҳори» дея таърифлашмайди! Бу даврда йигит-қизлар ҳар соҳага — илм-фан, касб-ҳунар ўрганиш, спорт, санъат, гўзаллик, дўстлар давраси ва ҳоказоларга кўпроқ интиладилар, барисига вақт ва имконият топишга ҳаракат қиладилар. Шуни ҳисобга олиб, «Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими йил бошида «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Қизил Ярим ой» жамияти каби жамоат ташкилотлари ҳамда маданият ишлари, шаҳар халқ таълими, ички ишлар, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармалари, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси каби давлат ташкилотлари билан йиллик қўшма тадбирлар режаларини тузиб тасдиқлайди. Қуйида ана шу режаларга кўра 1997 йилда қилинган айрим ишларнинг сарҳисобини келтирамиз.***

### КЕНГ ҚУЛОЧ

«Камолот» жамғармасининг энг қуйи бўғини — жамоатчилик марказлари ҳисобланади. Бундай марказлар мактаблар ва ўқув юртлари, маҳалла, корхона ва ташкилотларда очилиб, 35 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида иш олиб боради. Ҳозир шаҳар бўйича жами 600 дан зиёд жамоатчилик марказлари ишлаб турибди. Уларнинг сони тобора ортиб боряпти. Жамоатчилик марказларининг кўпчилиги ўз ҳисоб рақамларига эга. Шунингдек, пойтахтда «Камолот» тасарруфи остида 30 дан зиёд турли фирма ва кичик корхоналар ишлаб турибди. Улар ҳуқуқий маслаҳатдан тортиб, қурилиш, савдо, ноширлик, нон ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш каби кўплаб соҳаларда белгиланган имтиёзлар доирасида фаолият кўрсатадилар.

### СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Йил давомида жамғарма ташкил этган ва унинг ҳомийлигида юздан зиёд спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Мирзо Улуғбек туман бўлими қошидаги «Камолот — спорт» клубида 500 нафарга яқин ёшлар спортнинг ўнга яқин тури билан шуғулланмоқдалар. Ушбу клубнинг баскетбол командаси республика мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган мусобақада 1-ўринни эгаллаб, Финляндияда ўртоқлик учрашувида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Агар йиллик спорт ҳисоботида барча туманларда ўтказилган тадбирлар ҳам саналса, улар тўғрисида узоқ сўзлаш мумкин. Фақатгина Катта Қаъни маҳалласидаги «Камолот» футбол жамоаси юксак марраларни, жумладан, олий лигага чиқишни ҳам мўлжаллаётганлигини айтиш жоиздир.

Августда «Камолот» ва шаҳар спорт қўмитаси ҳамкорликда 8 хил спорт тури бўйича спорт ойлигини ўтказди. Мусобақалар натижаларига кўра, кўплаб ҳаваскор ёш спортчилар «Камолот» совринлари билан тақдирландилар.



### ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

... Чернобиль ҳалокатининг ногирони, Ҳамза туманида яшовчи Александр Чамияшвили «Камолот» вакиллари билан суҳбатлашиб, дам кулади, дам йиғлайди. Сабаби — совға эмас, аввало меҳр-оқибат унга севинч, куч-қувват ато этгандек эди.

— Эътибор — энг қимматбаҳо совға экан, — дейди у тўлқинланиб. — Қолаверса, «Камолот»нинг саховатисиз хорижда ишлаб чиқарилган ногиронлар аравачасини сотиб олишим жуда мушкул эди. Минг раҳмат!

Ҳа, Президентимиз айтганларидек, «Савоб ишни ҳар куни қилиш керак!»

Турли байрам ва саналар арафасида пойтахтдаги меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларда тарбияланувчиларга саховат кўрсатиш «Камолот»нинг доимий эътиборида бўлмоқда.

Жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими турли мактабларда таҳсил олаётган 8 нафар иқтидорли ўқувчига ойига 500 сўмдан стипендия таъсис этган эди. Туман бўлимларида ҳам бу хайрли ташаббус кенг ёйилмоқда. Масалан, жамғарманинг Сергели туман бўлими 12 нафар аълочи ўқувчига ойлик стипендия тайинлаган.

Азиз ўқувчи ва талабалар, имкониятни бой берманг, сиз ҳам «Камолот» стипендияси соҳиблари сафига қўшилинг!

### ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Жамғарманинг республика бошқаруви қошида «Камолот — қонун» маркази фаолият кўрсатмоқда. Унда тажрибали ҳуқуқшунослар сизни қизиқтирган барча саволлар, жумладан, иқтисодий-молиявий масалалар юзасидан ҳам зарур маслаҳатлар берадилар.

Жойларда осойишталик посбонлари, суд, прокуратура ва халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда ҳуқуқий-тарғибот тадбирлари мунтазам уюштирилади.

Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан ёшларнинг махсуслаштирилган тезкор гуруҳи ташкил этилган. Унда 60 нафар ёшлар ҳуқуқ-тартибот бўлинмаларининг ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Тошкент шаҳар хокимлиги, Ички ишлар бош бошқармаси билан ҳамкорликда бир неча йилдан буён тарбияси оғир ўсмирлар учун махсус ҳарбий-спорт лагери ташкил этилмоқда. Лагерда ўсмирлар дам олиб, спорт билан шуғулланадилар. Бу йил ушбу лагерь 3 навбатда ташкил этилиб, жами 400 нафарга яқин ўсмирлар жалб этилди.

### УМРНИ ЗОЕ ЭТМА...

— Меҳнат қил, меҳнатни саодатинг калиди бил, — дея ўгит битган Алишер Навоий бобомиз.

Бугунги кунда ёшларни иш билан таъминлаш, уларга янги иш жойлари яратиш — долзарб вазифалардан бирига айланган. Йил давомида ишсиз юрган 15 минг нафар ёшлардан аризалар тушган эди. Шулардан 12 минг нафарга яқини «Камолот» ёрдамида муносиб иш билан таъминланди. Миллий ҳунармандчилик ва устачилик ишларини жонлантириш мақсадида «Уста — шогирд» тадбирини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унга кўра, ҳар бир туман бўлими миллий ҳунармандчилик соҳасида меҳнат қилаётган камида 5 нафар устани ўз оталиғига олиши зарур. Масалан, Сергели туманида 10 нафар ёш шогирдлар жамғарма ҳомийлигида миллий ҳунар сирларини ўрганмоқдалар. Шунингдек, Собир Раҳимов ва Шайхонтоҳур туманларида ҳам «Уста-шогирд» ҳаракати яхши йўлга қўйилган.

Ёшларни иш билан таъминлаш ва янги касбга йўналтириш бўйича ишлар айни кунларда ҳам давом этмоқда.

Азиз пойтахт ёшлари! «Камолот» — сизнинг маслаҳатгўйингиз, агар муносиб иш топиш бўйича ёки пухта ўйлаб асосланган тадбиркорлик режаларингиз бўлса, жамғарманинг туман бўлимларига мурожаат қилинг. «Камолот — ишончли ҳамкорингиз бўлади!»

* * *

Юқоридаги лавҳалар «Камолот» фаолиятидаги айрим қирраларгина, холос. Ўтаётган 1997 йил жамғарма учун тикланиш йили бўлди, дейиш мумкин. Айни кунларда ҳам жойларда жамғарманинг жамоатчилик марказлари, савдо шохобчалари ва шу каби «иқтисодий таянч нуқталари» вужудга келтирилмоқда.

«Камолот» ўз олдига қўйилган улкан мақсад — юксак маънавиятли соғлом авлодни тарбиялашга тобора чуқурроқ кириб боряпти.

*Бандлик*

## ТАКЛИФДАН — АМАЛИЁТГА

***Ҳар йили мингдан зиёд ёш йигит-қизлар Ҳамза туманидаги мактабларни битириб, ҳаётга йўлланма оладилар. Улардан фақат 30 фоизигина олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсилни давом эттирадилар. Қолганлар-чи? Уларнинг катта ҳаёт йўли қай тарзда бошланади? Туманда ҳаммага етарли ва қониқтирувчи иш ўринлари топиладими? «Камолот» жамғармаси Ҳамза туман бўлимида ўтган семинар ана шу долзарб масалага бағишланди.***

— Ноябрь ойида туманимизда «Иш ўринлари ярмаркаси»ни ўтказган эдик, — дейди жамғарманинг туман бўлими раиси Мирзакарим Халилов. — Аммо бу тадбирга саноқлигина ёшларнинг келганлигидан билдикки, бизга ишсиз ёшлар билан «яқинлашув» учун бошқача йўл зарур экан. Негаки, ёшларимиз тадбир ҳақида ё яхши тасаввурга эга эмас, ёки ундан тўлиқ хабар топмаганлар. Хуллас, натижада юқоридаги хулосага келдик.

Ишсиз ёшлар аста-секин безорилик каби қонунбузарликка тортилиши ҳеч гап эмас. Бу ҳақда семинарда ҳам кўп таъкидланди. Бундай ҳолатларга қарши мактаб, маҳалла, ички ишлар бўлимлари, меҳнат биржаси ва «Камолот»нинг узвий ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари жуда зарур. Шунинг учун семинар ишида юқоридаги тузилмаларнинг вакиллари фаол қатнашдилар. Туман халқ таълими бўлимининг ташкилотчилари Ш. Усмонова ва Д. Ғуломовалар тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлаш, уларни иш билан таъминлаш ҳақида гапириб, бу борадаги баъзи муаммоларни ҳам ўртага ташладилар. Масалан, ҳунармандчилик тўгаракларини тузиш учун мураббийлар ва зарур хоналар ҳам етишмайди. Шу жойнинг ўзидаёқ масаланинг ечими топилди: туман «Камолот»и бу ишда асосий оталиқни ўз зиммасига олди. Семинар давомида кўтарилган иккинчи масала ҳам шу тариқа ижобий ҳал этилди. 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг юқори курс талабалари ўқишдан бўш пайтларида шафқат ҳамширалари сифатида ишлаб маблағ топса бўладими? Институтдаги «Камолот» жамоатчилик марказининг раиси Ҳамид Маъруфхонов ўз сўзида ана шу саволни ўртага ташлади. Бунинг учун кимга мурожаат қилиш керак, умуман ҳамширалик хизмати зарурми ўзи? Албатта, жуда зарур-да! Туман Қизил Ярим ой жамиятининг семинарда қатнашаётган вакили дарҳол бу таклифни қувватлаб, туманда қаровчиси йўқ кексаларни парваришлаш учун ҳамширалар ҳақиқатан ҳам зарурлигини айтди.

Семинарда «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Муқаддам Расулова қатнашиб, жамғарма олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб берди, шунингдек, тўпланганларнинг кўплаб саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Хуллас, ишчанлик ва жонли мулоқот руҳида ўтган семинар якунида қуйидаги қарорга келинди: йил якунига қадар «Камолот» барча иштирокчи ташкилотлар билан ҳамкорликда фақат ёшлар учун яна бир бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказади. Уни уюштиришда асосан ушбу семинарда айтилган таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинадиган бўлди.



# КАМОЛОТ

*Ўзбекистон ёшларининг «КАМОЛОТ» жамғармаси пойтахт ёшлари ва барча «Оқшом»хонларни яқинлашаётган янги 1998 йил билан самимий қутлайди!*

- *Ишчанлик руҳида*
- *Жамғарма ташаббуси*
- *Ижодкорлик билан*
- *Беҳуда ўтмасин*



*«Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими қошида «Тошкент қизлари» клуби фаолият кўрсатяпти. Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда, «Қизлар мажлиси — бу гуллар, қумрилар мажлисидир!»*
*Равиль Альбеков олган суратлар.*

### ЁРДАМ КЕРАК

**• Насимжон ЭҲСОНОВ, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги «Камолот» жамоатчилик марказининг раиси:**

— Жамоатчилик марказимизнинг асосий мақсади — талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантиришдан иборатдир. Хўш, бу қандай амалга оширилади?

Аввало енг шимариб, ўз кучимиз билан маблағ топишга киришдик. Натижада кўпгина талабаларимиз ўқишдан бўш пайтларида биз очган савдо дўкони, сартарошхона, бичиш-тикиш цехлари ва шу каби пуллик тармоқларда ишлаб, ўзларининг моддий аҳволларини анча яхшилашга эришяптилар. Бунинг натижаси ўлароқ, «миллионлар оқиб келяпти», дейишга ҳозирча сал эртароғ-у, лекин барибир топган фойдаларимиз турли тадбирлар уюштириш, аълочи талабалар учун махсус стипендиялар таъсис этишга етиб турибди. Университетимизнинг бадиий-ҳаваскорлик дастаси «Маҳалла» танлови бўйича туманда биринчи, шаҳарда эса иккинчи ўринни эгаллаганини эшитганмисиз? Ҳозир дастамизнинг «харидор»лари кўп. Турли тадбирларда баҳоли-қудрат қатнашиб, маблағ топишяпти. Булар — ютуқларимиз.

Шунингдек, муаммолар ҳам йўқ эмас.

Университет ҳудудидаги бир неча бўш хоналарни ўз тасарруфимизга олиб, кичик корхона ёки цехлар очмоқчи эдик. Аммо савдомиз «пишмай» турибди-да. Шунга туман ёки шаҳар «Камолот»и аралашса, аниқроғи йўл-йўриқ кўрсатса, ишларимиз янада зўр юришарди...

### ТОШГА ЎЙИЛГАН НАҚШ

**• Назокат ҚУНДУЗОВА, 306-мактаб-лицейдаги «Камолот» жамоатчилик марказининг раиси:**

— Ғояларни амалга ошириш учун энг мос масканлар бу — мактаб ва лицейлардир. Чунки, мактаб даврида болалар дунёқараши шаклланади. Шуни ҳисобга олиб, «Камолот» ўз ишларини айниқса мактаб ва ўқув юртларида фаоллаштириши зарур. «Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир», деган нақл бор. Ўз ишларимизда доимо «Камолот»нинг мададини ҳис этиш албатта, қувонарлидир. Шу билан бирга алоҳида таъкидлаш керак: жамғарманинг олдида ҳали улкан вазифалар турибди!

*Жамғарма фаолиятидан*

### ҚИЗИҚАРЛИ РЕЖАЛАР

**• Аъзам НОРТОЕВ, Миробод туманидаги 110-мактаб ўқувчиси:**

— «Камолот» бизга нима берар-кин?» — деб кутиб юриш тўғри эмас. Шунинг учун биз шу йилнинг сентябрь ойида мактаб етакчиларининг «Турон» жамиятини тузган эдик. Бу ишимизни «Камолот» жамғармаси самимий қўллаб-қувватлади. Жамиятимизнинг мақсади нима? У ёшлар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи 17 та департаментдан иборат. Ўтган қисқа давр ичида «Камолот» билан ҳамкорликда анча-мунча режаларимизни амалга оширдик. Масалан, халқаро Рерихлар ҳаракати, «Болаларни асранг», «Сорос» ва «Коунерпарт — Консорциум» халқаро жамғармалари билан дастлабки алоқаларни йўлга қўйдик. «Булар қандай ташкилотлар бўлди?» дейсизми. Келинг, яхшиси бу ҳақда кейинроқ батафсил ҳикоя қиламиз. Асосийси — улкан ишларимиз эндигина бошланяпти. Олдинда эса қизиқарли режаларимиз кўп.

### ИШОНЧЛИ ҲАМКОР ТОПДИК

**• Шуҳрат ҚОДИРОВ, Акмал Икромов туманидаги «Катта Қаъни» маҳалла фуқаролар йиғинининг ёшлар билан ишлаш кенгаши аъзоси:**

— Маҳалламизда «Камолот» билан яқиндан ҳамкорлик бошлангунга қадар ҳам ёшлар ҳаётига оид қатор ишлар амалга оширилган эди. Шу ўринда бу борадаги тўртта йўналишни алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман:

1. Маҳалла — мактаб ҳамкорлиги.
2. Ёшларни иш билан таъминлаш.
3. Спортни кенг тарғиб этиш.
4. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш.

Ана шундай йўналишлар бўйича фаол иш олиб борилганлиги туфайли маҳалламиз барча кўрсаткичлар бўйича пойтахтда энг намунали деб, шунингдек, республика миқёсида ҳам энг яхши маҳаллалар сирасидан деб топилди. Эндиликда эса бизга ҳамфикр бўлган «Камолот» жамғармаси билан яқиндан ҳамкорликни бошладик. «Камолот» жамғармаси бизнинг «Маҳаллачи» футбол клубларимизга ёрдам тариқасида 50 минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаб, спорт кийимларини тақдим этди. Жамғарма футбол клубимизни доимий ҳомийликка олганлиги сабабли жамоа номи «Камолот» деб ўзгартирилди. Бундай эътибордан албатта, бутун маҳалла аҳли хурсанд бўлмоқда. Келгусида ҳам «Камолот» билан биргаликда амалга ошириладиган ишларимиз кўп. Маҳалламиз ҳудудида ўз стадионимиз бўлишини азалдан орзу қилар эдик. «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раҳбарияти, биз ҳашар йўли билан қурилишни бошлаган заҳотиёқ, ёрдам қўлини чўзажакларини билдирдилар. Ҳа, бу — шунчаки қуруқ ваъда эмас. Энг муҳими ана шунда!

## НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

***Юнусобод туманидаги мактаб, лицей ва коллежларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури доирасидаги семинарлар бўлиб ўтди. Республика Олий Мажлиси котибиятининг вакиллари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Камолот» жамғарма вакиллари қатнашган бу анжуманлар қизғин савол-жавоблар руҳида ўтиб, ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.***

«Қонунни биласизми?» Ҳуқуқий билимларни янада чуқурлаштиришга қаратилган янги танлов ташкилотчилари ана шундай савол билан мамлакатимиз мактабларининг юқори синф ўқувчиларига мурожаат қилдилар. Танлов «Камолот» республика ёшлар жамғармасининг ташаббуси билан Республика Олий суди, Ички ишлар, Адлия, Халқ таълими вазирликлари, шунингдек, Телерадиокомпания билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Викториналар тарзида ўтказиладиган танловнинг биринчи босқичи мактабларда бошланди, сўнгра туманлар ва вилоятлар миқёсида ўтади. Танлов келгуси йилнинг май ойида республика босқичи якунларини чиқариш билан ниҳоясига етади.

* * *

Яна битта танлов: «Камолот» жамғармасининг республика бошқаруви, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Қувноқлар ва зукколар» мусобақасини ўтказиш ҳақида қўшма қарор қабул қилдилар. Қувноқлар баҳси январь ойида вилоятларда бошланади. Чемпионатнинг финал баҳси одатдагидек пойтахтда, энг қувноқ ва топағонлар ўртасида ўтказилади.

* * *

Жамғарманинг Юнусобод туман бўлими қўшимча таълим мажмуаси ва шаҳар «КРИДИ» клуби (ногирон болаларнинг ота-оналари клуби) ҳамкорликда «Қуёшга интилиб» деб номланган қўшма дастурни имзолаганлар. Унга кўра, дастлабки тадбир «Семурғ» соғломлаштириш оромгоҳида уюштирилди. Уч кун давомида ногирон болалар учун турли хайрия тадбирлари бўлиб ўтди. «Юлдузча» болалар гуруҳи уларнинг хизматида бўлди. Тадбирга «Бешёғоч», «Берингер Ингельхайм», «Нестле», «Ўзмаком» фирмалари, шунингдек, «Экосан» халқаро жамғармаси ҳомийлик қилди.

* * *

Антонина Хлебушкина номидаги болалар меҳрибонлик уйида болалар ва ўсмирларнинг «Турон» ташкилоти фаоллари билан учрашув ўтказилди.

* * *

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг спорт залида «Камолот» ҳомийлигида миллий кураш бўйича шаҳар биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди.

* * *

Айни кунларда жамғарманинг барча туман бўлимларида жамоатчилик марказлари раисларининг ўқув семинарлари бўлиб ўтмоқда.

* * *

Янги йил эшик қоқмоқда! Одатдагидек, «Камолот» раҳбарлигида шаҳримиздаги кўплаб майдонлар, томошагоҳлар ва мактабларда Янги йил сеҳрли байрам дастурлари тайёрланмоқда. Масалан, биргина Миробод туманидаги тўртта Арча даврасида, шунингдек, барча мактабларда ҳам «Камолот» иштирокида тадбирлар бўлиб ўтади.

*Менга сўз беринг!*

## БУ — ЛОҚАЙДЛИК-КУ!

**• Бекмурод САТТОРОВ, Тошкент давлат жаҳон тиллари университети, инглиз тили факультетидаги «Камолот» жамоатчилик марказининг раиси:**

— Минбардаги одам «Камолот»нинг мақсад ва йўналишлари ҳақида гапириб, ёшларни бу ерга тўплашнинг сабабини тушунтиряпти. Лекин буни ким тинглаб, тушуняпти. Мана, шунча гаплардан сўнг залдан бир қоғоз узатишди. Ўқийман: «Камолот»га аъзо бўлиш учун кимга мурожаат қилишимиз керак?» Ана, кўрдингизми? Э, қойилe! Шунча гапни кимга гапирдик ўзи? Ахир ҳозиргина «Камолот»га аъзолик йўқ, фақат жамғарма билан ҳамкорликда ишлаш мумкин», деб батафсил тушунтиргандик-ку? Умуман, лоқайдлигимизнинг сабаби нимада? Ҳамма саъй-ҳаракатлар биз, ёшларнинг пухта билим олиш, келгусида ҳаётда муносиб ўрин эгаллашимиз учун бўляпти. Биз ҳам бундай эътиборга муносиб бўлишимиз лозим. Азиз тенгдошлар, келинг, бебаҳо ёшликнинг бир дақиқасини ҳам беҳуда ўтказмайлик!



*Саҳифани «Тошкент оқшоми» мухбири Бахтиёр ҲАЙДАРОВ тайёрлади.*





*Келажакка юз тутган шаҳар*

# «САЙИЛГОҲ»НИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

***Ҳамшаҳарларимиз пойтахт марказидаги эски ва кўримсиз бинолар бузилиб текисланаётганлиги, янги иншоотлар учун ҳандақлар қазишга киришилганлигини кузатар эканлар, ўзлари учун севимли бўлиб қолган ушбу «Сайилгоҳ» кўчаси келгусида қандай қиёфа кашф этади деган ўйга боришлари табиий.***

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, яна кўп ўтмай — насиб этса 1998 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ушбу кўча бўйлаб яна сайр қилиш имконияти туғилади. Аммо бу пайтда «Сайилгоҳ» мутлақо ўзгача жамолга эга бўлади.

Меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармасининг устахоналаридан бирида лойиҳа бош меъмори Абдуқаҳҳор Турдиев бошчилигидаги жамоа Тошкент марказидаги бу ерда қад ростлайдиган иншоотлар ва сайр қилинадиган яшил ҳудуд лойиҳасини қиёмига етказмоқдалар. Матбуотчилар, Сулаймонова, Шароф Рашидов кўчалари ва Амир Темур хиёбони оралиғидаги ушбу жой эртанги кунда қандай қиёфага эга бўлади? Энг аввало Матбуотчилар кўчаси ёнида 3 та янги бино қад ростлашини айтиш лозим. Уларнинг биринчи қаватларида супермаркетлар бўлиши кўзда тутиляпти. Биноларнинг иккинчи ва учинчи қаватлари эса турли фирма ва компаниялар, ваколатхоналар идоралари учун берилиши мумкин.



«Сайилгоҳ» кўчаси атрофларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилади. Энди бу жойда турли тижорат дўконлари тартибсиз жойлашишига йўл қўйилмайди. Аксинча сайр қилувчилар учун кенг ва қулай йўлкалар яшил хиёбонлар орқали ўтади.

Ҳозирги Адлия вазирлиги ва Тошкент давлат юридик институти бинолари лойиҳага биноан сақлаб қолинади. Тошкент давлат юридик институти ўнг томонида яна бир уч қаватли бино қад кўтариши керак. Ушбу бино ортидаги ҳозир бўш турган жойда саҳнали майдонча бўлади. Улар ёнида эса ёз кунлари мўътадил ҳаво бўлишига кўмаклашувчи фавворалар отилиб туради.

«Зарафшон» ресторани яқинида бир-бирига қарама-қарши жойлашадиган иккита мўъжазгина қаҳвахона қурилиши режаланмоқда. Уларнинг ҳар бири қиш пайтида бир йўла 50 кишига хизмат кўрсатишга, ёзги пайтда бино ёнидаги очиқ майдончаларда юз нафар киши бир пиёла чой устида ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган. Уларнинг меъморий ечими ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бунда Шарқ меъморчилиги анъаналари ва бугунги шаҳарсозлик ютуқлари уйғунлашган бўлади.

Собиқ «Истиқлол» автомобиль бекати ўрнида қарийб уч юз кишига хизмат кўрсатадиган яна бир миллий ва Европа таомлари емакхонаси қурилиши кўзда тутилмоқда. Умумий овқатланиш мажмуаси ёнида эса иккита мўъжазгина сунъий кўлча ҳам барпо этилади.

Кўп ўтмай Горький номидаги рус академик драма театри ҳам ғоят муҳташам янги бинога эга бўлади. У ўзининг жуда ноёб меъморий ечими билан бу ердаги бинолар ичида кўзга ташланади.

«Сайилгоҳ» келгусида ўз номи билан тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари сайр қиладиган, мириқиб ҳордиқ чиқарадиган энг хушманзара, кўркам жойга айланиши шубҳасиз. Бу ерни қайта қуриш ва обод қилиш ишлари кун сайин жадаллашиб бормоқда.

*СУРАТЛАРДА: «Сайилгоҳ»нинг эртанги куниги жамоли шундай қиёфага эга бўлади; М. Горький номидаги рус академик драма театрининг янги биноси лойиҳаси (пастда).*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

*Ҳамкорлик*

# ТЕМИР ЙЎЛЛАР ОРҚАЛИ ЖАҲОНГА

***Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан темир йўл алоқалари ҳам ривожланиб бормоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компанияси денгиз ва океан сувларидан йироқда бўлган мамлакатимизнинг жаҳон давлатлари билан транспорт алоқаларини йўлга қўйишида кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Шулар хусусида биз компаниянинг халқаро муносабатлар хизмати раҳбари ўринбосари Наврўз Эркинов билан суҳбатлашдик.***

**— «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг халқаро алоқалари тўғрисида гапириб берсангиз.**

— 1996 йилдан бери «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси — темир йўллар ҳамдўстлиги ташкилоти аъзосидир. Бу ташкилотга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва хорижнинг 30 дан ортиқ давлатлари аъзодир.

Бу нуфузли халқаро ташкилот мазкур ҳамдўстликка кирувчи мамлакатлар орасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб, умумий темир йўл иши жараёнини ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Унинг қароргоҳи Варшава шаҳрида жойлашгандир. Шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси Париждаги Халқаро темир йўллар Иттифоқи билан ҳам бевосита алоқалар ўрнатган. Бу Иттифоққа 100 дан ортиқ мамлакат аъзодир. Мутахассисларимиз Темир йўллар иттифоқи ҳомийлигида Европа мамлакатларида ўз малакаларини ошириб келмоқдалар.

**— Ўзбекистон темир йўлларини жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш учун албатта, катта маблағ зарур. Бу борада компания бугунги кунда қайси давлат ёки банклар билан ҳамкорлик қилмоқда?**

— Давлат ҳиссадорлик компаниямиз халқаро банклар билан ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатган. Жумладан, қароргоҳи Лондон шаҳрида жойлашган Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари билан темир йўлни умумий ривожлантириш соҳасидаги сармоялар масаласида музокаралар олиб борилмоқда. Бу масалаларнинг ижобий ҳал бўлишига ишончимиз комил.

Қароргоҳи Филиппиннинг Манила шаҳрида жойлашган Осиё тараққиёт банки билан олиб борилаётган музокараларда ушбу банк сармояларини темир йўлларнинг поездлар ҳаракати амалга оширилган устки қисмини таъмирлашга сарфлаш масаласи кўрилмоқда ва бу ҳам ҳал бўлиш арафасида турибди. Шунингдек, Япониянинг ҳукумат ёрдами жамғармаси Ўзбекистонда темир йўл йўловчиларини ташувчи вагонларни капитал таъмирловчи ва келажакда янги вагонлар ясовчи завод қурилишини ўз сармояси билан таъминлади. Ушбу завод қурилиши яқинда бошланади. Яна шу жамғарма ҳисобидан келажакда электровоз ремонти заводини қуришда сармоя билан таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда.

**— Маълумки, компаниянгиз Европа Иттифоқининг Трасека лойиҳаси бўйича иш олиб боряпти. Шулар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Европа ҳамжамиятининг муҳим лойиҳаларидан бири — Трасека лойиҳасидир. Бу лойиҳа Марказий Осиё мамлакатларини Кавказ орқали Европа билан транспорт алоқаларини ривожлантиришда ва мамлакатлар орасидаги маданий ҳамда иқтисодий жараёнларни ривожлантиришда катта ўрин тутади. Трасека мутахассислари Марказий Осиё ва Кавказ темир йўлларининг ривожида ўз маслаҳатлари ва амалий ёрдамлари билан ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу ташкилот ҳам темир йўл мутахассисларининг малакаларини оширишда замон талаблари даражасига жавоб бера оладиган илмий даргоҳларида ўқитиш имкониятини яратиб беради.

Ҳозирда ва келажакда Трасека лойиҳаси бўйича темир йўллар орқали контейнерларда юк ташиш, ҳаракат жараёнларини автоматлаштириш, йўл таннархи масалаларини қайта кўриш ва бошқа бир қанча муҳим ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

**— «Ўзбекистон темир йўллар» компанияси Буюк ипак йўли йўналиши бўйича ҳам темир йўл алоқаларини йўлга қўйганми?**

— Буюк ипак йўли орқали ўтадиган транспорт йўлакларини ўрганиш ва улардан фойдаланишда мутахассисларимиз кўпгина ютуқларга эришганлар. Жумладан, Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон, Грузия йўналиши бўйича олиб борилган ишларимизнинг ижобий натижаси сифатида биз 1996 йил якуни бўйича республикамизнинг 100 минг тонна импорт ва экспорт маҳсулотларининг ташилишини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. 1996 йил май ойида ишга туширилган Серахс-Машҳад йўналишида олиб борилган ишлар Эрон темир йўллари орқали юкларни Туркиядан Ўрта ер денгизига ва Эроннинг Бандар Аббос портидан Форс кўрфази ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига олиб бориш имкониятини туғдиради.

Ҳозирги вақтда Қозоғистон Республикаси орқали Хитойнинг Алашанкао темир йўл бекатидан Ян Йунган, Шанхай портларигача юк ташиш имкониятлари мавжуддир. Бу имконият Япония, Корея ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан алоқалар ўрнатишда муҳим аҳамиятга эгадир.

*Отабек ДАВРОНБЕКОВ суҳбатлашди.*

*Маънавият*

# МУТОЛАА ЗАМОН ТАНЛАМАЙДИ

***Ҳозирги вақтда кишиларнинг китобга, мутолаага бўлган муносабати ўзгаргани хусусида «Одамлар китоб ўқимай қўйди» дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Аслида шундайми? Ёки китоб ўқиляпти-ю, фақат мутолаага бўлган муносабат ҳозирда бошқачами? Бу ҳақда Ўзбекистон «Китобхон» жамиятининг раиси Баҳром Исмоилов билан суҳбатлашдик.***

**— Бугунги кунда одамлар китоб ўқимай қўйди, деган гапга қўшиласизми?**

— Кимки бундай хулосага келиши учун бирон нимага асосланиши керак. Тўғри, бугунги кунда шаҳримиздаги китоб дўконлари фаолиятида ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан Тошкентда давлат консерваторияси рўпарасидаги китоб дўкони бошқа ташкилотга бериб юборилди. «Беруний» метроси яқинидаги китоб дўконининг ярмида маиший хизмат соҳаси ишлай бошлади ва ҳоказо. Аммо шу пайтнинг ўзида шаҳримиз кўчаларида китоб билан савдо қилувчилар кўпайди. Уларни бозорларда ҳам учратиш мумкин. Демак, китоблар сотилмоқда, мутолаа тўхтаб қолгани йўқ. Фақат китобга бўлган муносабат ўзгарган, холос. Энди бекор қолганда, зерикканда ўқийдиганлар ёки хона безаги сифатида жавонга териб қўйишни ёқтирадиганлар китоб сотиб олмайди. Ҳақиқий мутолаасеварлар эса ҳануз китоб ўқишни ташламади. Тўғри, айрим китоблар нисбатан қиммат, аммо улар бошқа нарсаларга нисбатан арзон-ку! Шундай экан, одамлар китоб ўқимай қўйди, деган гап менимча, тўғри эмас. Акс ҳолда айрим китоблар, масалан, таниқли ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» каби асарларга талабгорлар бу қадар кўп бўлмасди.

**— Дарвоқе, «Шайтанат» ҳақида. Бугунги кунда ҳақиқатан ҳам бу каби саргузашт асарлар, чунончи, ёзувчи Саид Равшаннинг ички ишлар хизмати ходимлари ҳаёти ҳақидаги қиссалари, инглиз ёзувчиси Жеймс Хедли Чейзнинг ур-сур мазмунидаги таржима қилинган романлари ихлосмандлари кўпайди. Бу ҳол инсон маънавиятини юксалтирадиган, уни ҳаёт ҳақида мушоҳада этишга ундайдиган фалсафий, бадиий асарлардан узоқлашишга олиб келмайдими?**

— Сиз юқорида келтирган мавзудаги бир қанча асарлар кўпроқ пул ишлаш мақсадида босилган деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Эҳтимол шундайдир. Чунки улар енгил ўқилиши сабаб ихлосмандлари ҳам кўп бўлади. Демак, даромади ҳам ёмон эмас. Моддий манфаатдорлик келтирадиган бундай асарларни вақти-вақти билан босиб туриш керак. Аммо бундай китоблар сирасига мен «Шайтанат» асарини қўшмаган бўлардим. Назаримда у кўпроқ ёшлар учун мўлжаллангандай. «Шайтанат» ёш китобсеварни ҳаётда турли тоифа одамлар борлигига, эзгулик билан қабиҳликни фарқлашга, ёмонлик барибир инсонни фа-



локатга олиб боришига ўргатади. Демак, бу асарнинг қиммати тарбиявий аҳамиятида. Қолаверса бугунги кунда бадиий жиҳатдан пухта асарлар ҳам чиқарилмоқда. Улар сирасига таниқли ёзувчи Омон Мухтор романлари, эл билган шоирларнинг бир қанча назмий асарларини киритиш мумкин.

**— Мутолаага ташналикни қондириш учун китоб сотиб олиш шартми, ахир шаҳримизда бир қанча кутубхоналар ишлаб турибди-ку?**

— Тан олиш керак, ҳозирда кутубхоналаримиз аввалгидек гавжум эмас. Бунинг сабаби шундаки, бундай гўшалар аҳволи ачинарли эди, истаган китобингизни тополмасдингиз, китобларни сақлаш шароитлари талабга жавоб бермасди. Натижада ҳатто айрим мутолаасеварлар ҳам бундай даргоҳлардан оёқ узиб кетишди. Мана ҳозирда кўпгина кутубхоналаримиз таъмирдан чиқарилмоқда. Улар яна одамлар билан гавжумлашса ажабмас. Шу ўринда мактаб кутубхоналари ҳақида ҳам гапириб ўтмоқчиман, улар фақат мактаб ўқувчилари учун хизмат қилиши керак эмас. Ҳолбуки бу кутубхоналардаги китоблар чанг остида ётганида ён-атрофдаги аҳоли беш-олти бекат наридаги туман кутубхонасига бориши тўғрими? Айтмоқчиманки, мактаб кутубхоналаридан аҳоли ҳам фойдаланишини йўлга қўйиш лозим.

**— Ҳозирги пайтдаги китоб тарғиботидан кўнглингиз тўладими?**

— «Китобхон» жамиятининг асосий вазифаларидан бири янги чиққан нашрларни тарғибот қилишдир. Бу борада муайян ишлар олиб боriляпти. Лекин ҳозирча талаб даражасида эмас. Бу иш китоб савдоси тармоқларида ҳам олиб борилиши керак. Айрим китоб дўконларида буни учратмайсиз: китоблар пештахталарга пала-партиш терилган, сотувчи сиз истаган китобни топиб беролмайди ва ҳоказо. Аммо Алишер Навоий номли театр яқинидаги «Шарқ зиёкори», Навоий кўчасидаги «Жавоҳир» дўконлари бундан мустасно. Мен Наманганга борганимда катта ва бой китоб дўконини кўриб ҳавасим келганди. Яна бир гап: авваллари Ўзбекистон телевидениесида китоб тарғиботига бағишланган кўрсатув бўларди, адашмасам номи «Китоб жавони» эди. Менимча, уни бугунги кунда яна тиклаш керак.

**— Бугунги кунда «Китобхон» жамияти қандай китобларни тарғиб этмоқда, ўзингиз қайси асарларни ўқишни тавсия қилардингиз?**

— Аввало бугун фалон китобни, эртага бошқа бир китобни ўқинг, дейиш нотўғри. Китоб замон танламаслиги, ҳар қандай даврда ҳам маънавий озуқа манбаи бўлиши лозим. Шундай бўлса ҳам айтишим лозим, бугунги кунда «Китобхон» жамияти тарихимиз ва адабиётимизнинг забардаст намояндаларидан Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий асарларини тарғиб этишни лозим деб билади. Шахсан мен ҳозирда китобхонларга тарихий-бадиий асарларни кўпроқ мутолаа этишни тавсия қилган бўлардим. Чунки бундай китоблар инсонни янгича фикрлашга, тарихий воқеалар, шахслар ҳақида чуқур мулоҳаза қилишга, эртанги кунга ишонч кўзи билан қарашга ундайди. Бу фазилатлар эса бугунги кунда жуда муҳим.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.*

*Анжуманлар*

# ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ — СОҒЛИК ГАРОВИ

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтида болалар овқатларини ишлаб чиқарувчи «Нестле» корпорацияси ҳомийлигида «Болалар ва аёллардаги камқонлик ва клиник трансфузиология масалалари» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.***

Унда республикамизда, жумладан аёллар ва болалар орасида учраб тураётган камқонлик касаллиги, унинг турлари ҳамда касалликнинг олдини олиш ва даволаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Республикамизнинг турли вилоятларидан келган анжуман иштирокчилари «Камқонлик ва экология муаммолари», «Нестле» корпорациясининг маҳсулотлари ва болалардаги анемия муаммолари» сингари мавзуларда фикр алмашдилар.

— Ҳозирги кунда республикамизда камқонлик хасталиги афсуски учраб турибди, — дейди Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти болалар ошқозон-ичак касалликлари бўлими бошлиғи Абдуқодир Тўраев. — Агарда туғиш ёшидаги аёллар ва болалар овқатланиш тартибига риоя қилсалар ўйлайманки, хасталик келиб чиқишининг олди олинган бўлади. Шу билан биргаликда бола гўдаклигида она сути билан боқилса ҳам камқонлик касаллигига деярли чалинмайди. Чунки бола она сути орқали микроэлементларнинг 70 фоизини олади. Сигир сути орқали эса бор-йўғи 30 фоиз микроэлементларни олиши мумкин.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

*Саломатлик*

# ДОРИЛАР — ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА

***1998 йилнинг 1 январидан бошлаб дори-дармон воситаларини имтиёзли тариф бўйича сотишнинг янги тартиби белгиланди.***

«Дори-дармон» давлат акциядорлик жамиятидан хабар қилишларича Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабридаги 532-сонли қарорига мувофиқ эндиликда онкологик, эндокринологик, руҳий хасталикларга, сил, мохов, СПИД касаллигига чалинган ҳамда юрак клапанини протезлаш ва аъзоларни кўчириб ўтказиш бўйича операцияларни ўтказган шахслар шифокор рецептини кўрсатиб дориларни бепул олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шифокор рецептига мувофиқ четдан парваришга муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар; меҳнат фронтининг қатнашчилари (1941-1945 йиллар даври); 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар; Чернобиль атом электростанцияси фалокатини тугатишда қатнашган шахслардан ногирон бўлганлар; байналмилалчи-жангчилар ҳам худди шундай имтиёздан фойдаланадилар.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар ва тиббий дори-дармон воситаларини сотиш билан шуғулланадиган барча савдо корхоналари касалларни зарур дорилар билан ўз вақтида таъминлашлари кераклиги кўрсатиб ўтилган 1994 йилнинг 6 августдаги 404-сонли қарор ўз кучини сақлаб қолади. Бепул тарқатилган дори-дармонлар учун маблағлар туманлар соғлиқни сақлаш бўлимлари орқали уларнинг савдо ташкилотлари билан тегишли шартномаларни имзолашлари йўли билан қопланади.

**Экологик тангликни бартараф этиш ҳозирги кунимизнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб турибди. Ҳар бир шахснинг экологик маданияти охир-оқибатда онглилик, масъуллик билан атроф-муҳитга бўлган муносабатларида намоён бўлади. У турли омиллар таъсирида шаклланади. Таълим ва тарбия эса бу борада катта роль ўйнайди.**

Кишилардаги экологик билимни албатта ёшлик чоғидан унинг қалбига қуйиб бориш керак. Бу иш оиладан, боғчадан, мактабдан бошланади. Шундагина биз кутилган натижаларга эриша оламиз.

Мактабларда экология бир ёки бир неча фан орқали ўқитилиши мумкин. Бунда экология ва табиат муҳофазаси чуқур равишда ўрганилади. Назарий билимларни амалиёт билан боғлашнинг албатта фойдаси катта. Кўпгина мактабларимизда кимё, биология, физика, география фанлари асосида экологик мавзуни чуқурлаштириш ижобий самаралар бермоқда. Ҳатто болалар экологик билимлар қаторида иқтисодий билимларни ҳам намойиш этмоқда. Айни пайтда махсус экологик синфлар мавжудлиги қувончли ҳолдир. Яқинда Тошкент шаҳар мактаб ўқувчилари ўртасида «Мен, сен ва иқтисодиёт» мавзуида ўтказилган эко-шоу табиатни муҳофаза қилиш бобидаги саъй-ҳаракатларимиз бекор кетмаётганини кўрсатди. Болалар ўзларининг вазифаларига масъулият ва катта қизиқиш билан ёндошганликлари, экологик тангликдан қутулишдаги ўзларининг мини-лойиҳаларини ҳимоя қилганликларини таъкидлаш зарур.

Кўпгина ўқитувчилар экологияни алоҳида фан сифатида ўқитиш ҳақида таклиф киритмоқдалар. Бу борада услубиётнинг йўқлиги, зарур адабиётларнинг етишмаслиги тўғаноқ бўлиб турибди. Айрим мактаблар, лицейларнинг муаллимлари ўзлари дастур тузиб, дарс ўтаётганлари мақтовга сазовор. Лекин улар умумий бўлмай, шахсий дастур тусини олмоқда. Бизга эса айни пайтда аниқ ишланган концепция, атроф-муҳитни ўрганиш, уни яхшилаш борасидаги яхлит йўл-йўриқлар керак. Зарур адабиётларни ишлаб чиқиш ҳам кун тартибида бўлиши зарур.

Долзарб мавзу

## ҲИКМАТГА АЙЛАНГАН СЎЗ

Олий мактаблардаги экологик таълим ўзининг моддий ва илмий негизига эга бўлишни тақозо қилади. Ўқув жараёнида маъруза, амалиёт, семинарлар, мустақил ишлаш каби тадбирлар шулар жумласига киради.

Тошкент давлат техника университети экологик таълим масаласида изчиллик кўрсатаяпти. Университет жамоаси ташаббуси билан олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бир қанча ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли «Экологик таълим ва саноатда атроф-муҳит муҳофазаси муаммолари» мавзусида халқаро илмий-техник анжуман бўлиб ўтди. Университет ректори, академик Тўлқин Мирқомилов ўзининг сўзида табиат муҳофазаси бугунга келиб жаҳонда қанчалар муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади, олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича тўхталди.

Чиндан ҳам университетда экологик таълим «Экология асослари» умумтаълим фанининг ўқитилиши асосида олиб борилади. Ушбу фан барча мутахассисликлар учун мўлжалланган бўлиб, табиий бойликларни сақлаш, ҳаво, сув, тупроқни муҳофаза қилиш, саноатнинг аниқ тармоқларида экологик муаммоларни ҳал қилиш масалаларини қамраб олади. Ушбу дарснинг мантиқий якуни — бу талабанинг экология соҳасида диплом ишини ёқлашидир. Бундан ташқари университетда «Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш» мутахассислиги бўйича эколог-муҳандислар ҳам тайёрланади. Муҳандис-экологлар ўз соҳалари бўйича чуқур билимга эга бўлишликларини таъкидлаб ўтиш зарур.

Айни пайтда экологик ўқув жараёнида янги технологиялар ахборотномаларидан, масалан, аудиовидеотехник воситалардан фойдаланиш, табиатни асраш борасидаги амалий ўйинлар ўтказиш зарурлиги анжуманда қайд этиб ўтилди.

АҚШ, Туркия, Чехия, Украина, Қозоғистондан келган олимларнинг қатнашиши тадбир нуфузидан далолат бериб турибди. Тошкент Давлат техника университети негизида ЮНЕСКО иштирокида атроф-муҳитга таъсирни ўрганиш Марказий Осиё маркази, махсус кафедралар ташкил этиш, йирик олий ўқув юртлариаро махсуслаштирилган лаборатория очиш ҳақида таклифлар эътиборга моликдир.

Экологик таълимни кенг миқёсда жорий этиш — бу давр талабидир. Ташкил этганда ҳам хўжакўрсинга эмас, мустаҳкам асосда йўлга қўйиш ниҳоятда зарурдир. Бунда мактаблар, олий ўқув юртлари муҳим вазифа бажарадилар.

Экологик етук билимга эга бўлган инсон — бу чинакам ватанпарвардир. «Табиатни асраш — Ватанни асрашдир».

*Умид ИСРОИЛОВ,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.*



# ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 11 (72) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Туманларда

## ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР

**Собир Раҳимов тумани назоратчилари табиат муҳофазасига қаратилган ишларни бирмунча яхши йўлга қўйишган.**

Қўмита назоратида ҳозирги кунда 53 корхона турибди. Улар томонидан мунтазам равишда табиатни асраш борасидаги тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Туманда бу йил 13 корхона томонидан 84 тадбир ўтказиш, бу йўлда 3,53 миллион сўм сарфлаш; ҳавога зарарли чиқиндилар чиқаришни 15,6 фоизга камайтириш, шаҳар оқавасига ташланадиган 2 манбани тугатиш, бир кеча-кундузда 10 кубометр сув билан таъминлайдиган айланма сув тизимини йўлга қўйиш, 254 минг кубометр сувни тежаш режалаштирилган эди. Айтишимиз мумкинки, қийинчиликларга қарамасдан бу режа асосан уддаланди.

Лекин «Ёғочсоз», «Тошкентмебель», «Керамзит-бетон» ҳиссадорлик жамиятлари, Тошкент тажриба-механика экскаватор таъмир заводи раҳбарлари табиат муҳофазасидек муҳим юмушга эътибор бермаяптилар. Юқорида тилга олган корхоналарнинг бирида артериал қудуқлар таъмири, ҳаво совутгич компрессорлар сотиб олишга эътибор берилмаса, иккинчисида ҳавога чиқаётган чанг, газларни тутиб қоладиган ускуна, қурилмалар ўрнатилмаган. 9-темир бетон буюмлар заводи, «Чинни заводи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ҳам лоқайдлик ҳукм сурмоқда. Албатта, бу ишларга жавобгар кишилар маъмурий жазога тортилдилар: 28 мансабдор шахс умумий ҳисобда 32150 сўм жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

Камчиликларни санаш билан табиат ўз ўрнига келиб қолмайди. Лекин «Тома-тома кўл бўлур» дейди халқимиз. Барча туманлардаги юмушлар тўла ҳажмда бажарилса, шаҳримиз табиати кўнгилдагидек бўлади.

*Акмал РАСУЛОВ,*
*Камолиддин ОРИФЖОНОВ,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари.*

Ўрнак олса арзийди

## АМАЛИЙ ИШЛАР

● «Миконд» заводида хом ашё материалларини ортиш учун кабелнинг янги тартиби ишлаб чиқилди: 5-цехда автоматик юк ортувчи дастгоҳ ишга тушди. Таркибида фтор бўлган оқаваларни ҳайдаш тизими қайта таъмирланди. Кимёвий ишлов бериш участкасида кислота қувурлари таъмирланади.

● «Компрессор» заводида қуюв цехидаги вагранкани алмаштириш учун электр печка сотиб олинди.

● Агрегат заводида 19-цехнинг ҳаво тозаловчи циклонлари алмаштирилди. 4-цехдаги чанг тозалаш қурилмасининг ишлаш самараси таъмирдан кейин ошди. Айланма сув тизимига 2ВМ-4-27/9 компрессори уланди, энди бир кеча-кундузда 10 кубометр тозаланган сув етказиб берилади. Шаҳар оқавасига йилига 25,5 минг кубометр оқава ташлайдиган бир манба бартараф этилди.

● «Ҳамидулла» ҳиссадорлик жамиятида ҳаво тозаловчи вентиляция тизими таъмирдан чиқарилди.

● Саноат-энергия корхонасида режим билан ишлайдиган қозонларни созлаш ишлари бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда. Туз хўжалиги участкасини қуриш ва қайта қуриш ишларига 1,12 миллион сўм сарф этилди.

*Қодиржон ОРТИҚОВ.*

Текширув

## НОММА-НОМ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

**Ўтган ойда шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари 139 иншоотда сув, ҳаво муҳофазаси борасидаги, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш юзасидан қонун-қоидаларга қанчалар амал қилинаётганини текширдилар. Иш жараёнида «Табиат тўғрисида»ги қонунни бузиш ҳоллари кўп марта аниқланди.**

Ўтган ойда 411 марта камчиликлар, қоидабузарликларга барҳам бериш юзасидан йўриқномалар берилди. Афсуски, кўпгина мутасаддилар тавсияларимизга панжа орасидан қарамоқдалар. Энди ушбу рўйхатга назар ташланг.

● «Шаҳарйўлқурилиштаъмир» тресты механизация бошқармаси транспорт участкаси бошлиғи Г. Турғунов қўмитамиз йўриқларини бажармагани учун 2250 сўм;

● «Гўштсутсавдо» ишлаб чиқариш техник бирлашмаси 5-цехда ҳавога аммиакни рухсат этилган миқдоридан 67 марта ошиқ чиқишига йўл қўйган муҳандис-нозир Ж. Каримов 2250 сўм;

● «Ўзтемирйўлтаъмирлаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси чўян қуюв цехида ҳам ҳавога зарарли моддалар меъёрдагидан салкам 6 марта кўп чиқишига эътибор бермагани учун бош муҳандис М. Глушченко 2250 сўм;

● «Нерудник» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси А. Кенчимов давлат органлари махсус ваколатли шахсларининг рухсатномасисиз ҳавога заҳарли моддаларни чиқаришга йўл қўйгани учун 2250 сўм;

● Худди шундай хатти-ҳаракати учун «Шаҳарйўлтаъмир» тресты 1-қурилиш таъмир бошқармаси ходими В. Озеров 2250 сўм жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

Юқоридаги камчиликлар «Вест-ДАК», «Прайм» қўшма корхоналари, Республика Мудофаа вазирлигининг 2-темир-бетон буюмлари заводи ва бошқа корхоналарда ҳам учраб турибди.

Текширув натижасидан маълум бўлдики, шаҳримиз сув тармоқларидаги аҳвол ҳали ҳам ночорлигича қолмоқда. Сувни ифлослантиришдаги «катта хизматлари» учун «Махсустранс»нинг 5-автосаройи, «Сомонбозор» ҳиссадорлик корхонаси, «Муродали» шахсий фирмасининг мансабдор шахсларига катта миқдорда жарималар солинди.

Текширув жараёнида кўпгина корхоналар, фирмаларда экологик экспертизанинг ижобий хулосаси йўқлиги аниқланди. Ахир ниҳоятда муҳим бу тадбирга беэътиборлик шунчалик бўладими?

*Улуғ ТЎЛҚУНОВ.*

Туйғулар

## ДАРАХТ

Охирги япроқ новдаларни тарк этгач она Дарахт бесаранжом бўлиб қолибди. Бунинг устига кунлар совиб, саҳарда қиров туша бошлади.

— Уйқу пайти келди, — деди у ўзича, — ҳадемай кўрпа кўтариб қиш келади.

Дов-дарахтлар уйқуга кетди. Бир куни қаттиқ изғирин эсиб, дарахтларни силкита бошлади. Дарахтлар қилт этмади.

— Ухлашибди, — изиллади изғирин, — ухламай ҳам кўришсин-чи!

Она дарахт ғира-шира мудраб, туш кўрди. Қараса ёнида бир ниҳол бор эмиш. Ўзи миттию, жуда мағрурмиш.

— Қачон ўса қолибди, — ўйлармиш Дарахт, — тавба, лекин турқи-тароватидан улкан дарахт бўлади.

Қиш ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Бир-икки қор ёққани демаса, кунлар илиб, куртакларни безовта қилди. Дарахт новдаларни базўр силкитиб уларни огоҳлантирди:

— Ҳей, болалар, ҳали эрта, алдамчи илиқликка ишонманглар, шамоллаб қоласизлар.

Ёш ниҳолни эса одамлар экиб кетишганди. Улардан кексароғи:

— Баҳорда гулламаса керак. Бу йил йигирма бешинчи марта ҳосил берди, — деди. — Боғ четидаги кўчатлардан икки тупини олиб келиб дарахтнинг икки томонига экиб қўйинглар. Изи йўқолмасин. Аммо жуда серҳосил дарахт эди-да, жонивор. Ўша ниҳоллар ҳам шунинг данагидан унган.



Ёшроқ йигитлар дарров чолнинг айтганини бажо қилишди. Ниҳол шу тариқа дарахтнинг ёнига келиб қолганди.

Кексалиги сабаб Дарахт ҳали мудраб, ҳали уйғониб қишнинг ярмини ўтказди. Охири танаси қақшаб бораётганини, иссиқни ҳам, совуқни ҳам сезмай қолаётганини пайқади. Ҳўрсинди. Кузак чоғида атрофини ўраб олиб, унинг меваларидан еган болаларни эслади.

— Қандай яхши эди-я, хўрсинди Дарахт, — бу йил ҳам ҳосил тугиш насиб этса тош отишса ҳам индамасдим. Агар ҳосил туголмасам куртакларим увол бўладида...

Дарахт ёнидаги ниҳолга кўз ташлади. Ўрни йўқолмаслигидан, номи ўчмаслигидан мамнун бўлди. Ниҳолга меҳр билан боқди: баҳоринг хайрли келсин.

Қишнинг илиқ-милиқ бир тонгида Дарахт ҳориб, уйқуга кетди. Худди шуни кутиб тургандек қор севалаб ёғишни бошлади.

Ёш ниҳол эса бу пайтда янги жойга кўника бошлаган, илдизлари ердаги ширани шимириб, танасига узатиб турарди. Икки ёшли ниҳол ҳам бир нарсадан ташвишда эди:

— Ҳосил туголмай қолсам нима бўлади? — Лекин у куртаклари бўрта бошлаганини сезмаганди...

Табиатнинг оқиллигига, расолигига тан бермай иложи йўқ кишининг. Ҳаёт тегирмонида инсон ва дарахтнинг қисмати бунчалар ўхшаш бўлмаса!..

*Ғолиб МИРЗО.*

Куюнчаклик

## ОТНИ ҚАМЧИЛАНГ

**Ҳар қандай иқтисодий муаммонинг ечими экология билан узвий боғланган. Бу боғлиқлик табиат муҳофазаси қонунларига амал қилишдан иборатдир.**

Болаларимиз севган масканлардан бири «Экспомарказ»дан бир қадам ерда жойлашган Аква боғдир. Боғ ёнидан ўтаётган ҳар бир киши, неча йиллик қудратли дарахтлар қуриб бораётганини кўрмаслик учун четга қарайди. Ушбу боққа назоратчиларимиз кўп марта келган, боғ раҳбарларига бир неча марта тавсиялар беришган. Қуриган дарахтлар, тўнкаларни март ойигача олиб ташлаш ҳақида йўриқномаларда қайд этилган. Қуриган дарахтлар, тўнкалар турли зараркунанда ҳашоротлар учун ажойиб «меҳмонхона» эканлигини айтиш шартми? Улар бу ерда кўпайиб ён-атрофларидаги дарахтларга ҳам «ҳужум» қиладилар. Лекин боғ раҳбарияти бунга эътибор беришмаяпти. Аҳвол шу тарзда давом этаверса дов-дарахтлар кўп ўтмай қуриб қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳали ҳам кеч эмас, боғ мутасаддилари, отни қамчиланг, қўмитамиз кўрсатма, тавсияларини бажаринг.

*Ким ФАТТОҲОВ,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг назоратчиси.*



*Тоғлар. Уларнинг салобатини кўриб, киши кўнгли қанчалар улғаяди. Бағридан оқаётган жилғалар она заминга об-ҳаёт элтаётганини айтмайсизми? Айниқса оппоқ қорлар ёққанида тоғлар яна кўркам бўлиб кетади.*

Малҳамлар

## КИМ ТУШИДА ҚОВОҚ КЎРСА ...

**Турли дори-дармонларга тўлиқ, олтин ёмби каби етилган қовоқнинг хосиятлари кўп. Ундан пазанда халқимиз турли таомлар, жумладан, қовоқ сомса, қовоқ шўрва ва яхналар тайёрлашади.**

Археологик текширишларда қовоқ милоддан аввалги биринчи минг йилликдан бошлаб экиб келинганлиги аниқланган. Унинг келиб чиқиш жойи Бразилия бўлиб, у ердан Ҳиндистонга келтирилган ва кейинчалик дунёнинг кўпгина мамлакатларига тарқалган. Ўзбекистонимизда қовоқнинг 50 га яқин тури мавжуд бўлиб, унинг сирасига мускад қовоқ, йирик қовоқ, ойим қовоқ, достар қовоқ, кулча қовоқ, картошка қовоқ, томоша қовоқ сингари навлари киради.

Ошқовоқ ҳам неъмат, ҳам шифодир. Ундан халқ табобатида йўтал, кўкрак ва томоқ оғриқларида фойдаланиб келинмоқда. Бинобарин, унинг меваси қанд, пектин, калий, кальций, магний тузлари, темир, С, В1, В2, РР дармондорилар ва провитамин А каби моддаларни сақлайди. Уруғида эса 50 фоиз ёғ, фитостеринлар, органик кислоталар, смола бор. Шу моддалар жо бўлганлиги учун қовоқ бир қатор хасталикларга шифодир. Ошқозон-ичак йўли, йўғон ичак яллиғланишига даво бўлади. Мевасидан олинган шира ангина касаллигини даволашда наф келтиради. Таркибидаги пектин моддасида аъзои танадан холестеринни чиқариб юбориш хусусияти борлиги учун ошқовоқ паришонхотирликда жуда фойдали, яъни унинг олдини олади. Ошқовоқнинг хом эти ичакнинг иш фаолиятини яхшилайди ва ич қотишга қарши қўлланилади. Ошқовоқнинг калорияси паст, шу боис таомда ишлатилса семизликка малҳам. У юрак ва қон томирлари хасталикларида, камқонликда, пешоб ҳайдовчи, экзема каби касалликлар ва тери куйганда ҳам қўлланилади.

Халқ табобатида буйрак ва жигар хасталанганда ишлатилади. Тинчлантирувчи омил сифатида уйқусизликда, безовта бўлганда кечасига ошқовоқнинг қайнатмаси асал билан бирга стаканнинг учдан бир қисмида ичиш тавсия этилади. Буюк аллома Абу Али ибн Сино ошқовоқдан олинган шира тиш оғриғини қолдириш, асал билан қайнатилганини эса ични юмшатиши ва чанқов қондиришини башорат этган. Қовоқ шарбати тери яллиғланишига суртилади, унинг «гўштли» қисми темираткига наф беради. Пўстлоғи қайнатмаси тери хасталигига даво. Қовоқнинг нўхат ва мош билан аралашган шўрваси йўталда малҳамдир. Уни қўрга кўмиб пишириб, қўл ва оёқларнинг оғриқ жойларига қўйилса фойда қилади.

Ошқовоқнинг уруғидан гижжага қарши дори тайёрланади, ҳатто уруғининг кўкиш қобиғи ҳам шифодир. Бунинг учун ошқовоқ уруғи олиниб, кўкиш қобиғи сақланган ҳолда майдаланади. Сўнг асал ёки мураббо (100 граммга 300 грамм уруғ нисбатида) билан аралаштирилади ва эрталаб оз-оздан бир соат мобайнида беморга едирилади. 3-4 ёшга 75 грамм, 10 ёшга 150 граммдан тавсия этилади. Гарчанд қовоқ уруғи гижжага қарши ишлатиладиган замонавий дориларга нисбатан озроқ самара берса-да, у беморларга бирмунча енгиллик туғдиради ва хавфсиз ҳисобланади. XVIII асрда яшаб табиблик қилган Сайид Муҳаммад Ҳасратнинг қовоқ ҳақидаги ғазалидан матла келтирамиз:

***Қовоқ бўлар форслар тилида***
***каду,***
***Иккинчидир хўлу совуқликда у.***
***Меъда ичра ҳазм бўлар тўхтамай,***
***Ёқимли хилт пайдо қилади,***
***ҳай-ҳай***
***Сафро хилтин тандан йўқотур***
***беранж.***
***Аммо кўп ейилса, қўзғатур***
***қуланж.***
***Қуланж иллатини тезда айлар кам,***
***Хом қовоқдан олиб ейилгани дам,***
***Ўткир табиблардан кўплари***
***дейди:***
***«Чанқоқ қолар кимки кўп***
***қовоқ ейди».***

*Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида кўрсаки, уйида қовоқ пояси бўлса, иззат-ҳурмати зиёда бўлгай, бемор бўлса, шифо топгай. Агар мусофир бўлса, ватанига саломат қайтгай. Агар фосиқ бўлса, тавба қилгай. Агар ошқовоқни пишириб еса, ҳожати равон бўлиб, тоат-ибодатга мойил бўлгай.*

*Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,*
*доришунос.*

